

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНинг ҚАРОРИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТҮҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш түғрисида» 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон хамда «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури түғрисида» 2020 йил 2 мартағи ПФ-5953-сон фармонларида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. 2020/2021 ўкув йилидан бошлаб республика олий таълим муассасаларида ўкув жараёнини босқичма-босқич кредит-модуль тизимига ўтказиш тартиби жорий этилсин.

2. Олий таълим муассасаларида ўкув жараёнига кредит-модуль тизимини жорий этиш тартиби түғрисидаги низом [1-иловага](#) мувофиқ тасдиқлансан.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги:

тизимида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда ўкув жараёнига кредит-модуль тизими жорий этилган бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари, ўкув режаси ва фан дастурлари тақомиллаштиришини таъминласин;

Республика олий таълим кенгаши билан биргаликда икки ҳафта муддатда олий таълим муассасаларида ўкув жараёнига кредит-модуль тизимини жорий этишнинг ташкилий масалаларига тааллукли хужжатлар намуналарини ишлаб чиқсан ва тасдиқласин.

4. Олий таълим муассасаларининг илмий салоҳиятини ошириш, уларни юқори малакага эга бўлган профессор-ўқитувчилар билан таъминлаш мақсадида бирламчи харажатларни амалга оширгандан сўнг бўшаб қолаётган тўлов-контракт асосида ўқитишидан тушган бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги хамда Республика олий таълим кенгашининг қўйидаги тадбирларни амалга ошириш түғрисидаги таклифларига розилик берилсан:

а) олий таълим муассасаси кенгаши қарори асосида:

олий таълим муассасасида 3 йил ишлаб беришни назарда тутувчи шартномани расмийлаштирган ҳолда профессор-ўқитувчиларнинг нуфузли хорижий олий таълим ташкилотлари ва илмий муассасаларда стажировка ўташи ва малака ошириши;

олий таълим муассасасида 5 йил ишлаб беришни назарда тутувчи шартномани расмийлаштирган ҳолда ўқитувчиларни нуфузли хорижий олий таълим ташкилотлари ва илмий муассасаларнинг докторантурда дастурлари асосида ўқитиши билан боғлиқ харажатларни амалга ошириш;

б) олий таълим муассасаси хузурида фаолият юритаётган давлат таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, қурилиш, жорий ва капитал таъмирлаш, реконструкция қилиш ва жиҳозлаш ишлари учун зарур маблағлар ажратиш.

5. Белгилаб қўйилсинки, олий таълим муассасаларининг академик мустақиллигини янада кенгайтириш мақсадида 2021 йил 1 январдан бошлаб:

олий таълим муассасалари хузуридаги техникумларда ўкув машғулотларини олиб бораётган олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларнинг меҳнатига соатбай ҳақ тўлаш олий таълим муассасалари талабаларига дарс ўтганлиги учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорларида амалга оширилади;

таълим жараёнини ташкил этишда ҳафталик ўкув кунлари олий таълим муассасалари томонидан мустақил белгиланади;

олий таълим муассасаларида ташкил этиладиган якуний давлат аттестация комиссияси раислари тегишли олий таълим муассасаси ректори (филиал директори)нинг буйруғи билан тасдиқланади.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Олий таълим муассасаларини босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш тўғрисида» 2019 йил 3 декабрдаги 967-сон қарорига 2-иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўzlари қабул қилган норматив-хуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсан.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Б.А. Мусаев ҳамда Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта маҳсус таълим вазири И.У. Маджидов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 31 декабрь,
824-сон

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги 824-сон қарорига
1-ИЛОВА

Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнига кредит-модуль тизимини жорий этиш тартиби тўғрисида

НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом олий таълим муассасаларида ўқув жараёнига Кредит тўплаш ва кўчиришнинг Европа тизими (European Credit Transfer and Accumulation System — ECTS) асосида таълимнинг кредит-модуль тизимини жорий этиш тартибини белгилайди.

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидағи олий таълим муассасалари, олий ҳарбий таълим муассасаларига, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўз фаолиятини юритаётган, нодавлат ва хорижий олий таълим ташкилотларига нисбатан татбик этилмайди.

2. Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнига кредит-модуль тизимини босқичма-босқич жорий этиш ушбу Низомга иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

3. Ўқув жараёнига кредит-модуль тизимини жорий этишнинг ташкилий масалаларига оид маълумотлар, жумладан, таълим дастури, фанлар каталоги, академик мобилликни таъминлаш, кредитларни тан олиш ва кўчириб ўтказишга тааллуқли ҳужжатлар ҳамда дипломга илованинг шакллари, шунингдек, академик мобиллик даврида талабанинг билим даражасини аниқлаш бўйича кўрсаткичлар ва бошқа зарур ҳужжатлар намуналари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан Республика олий таълим кенгаши билан биргаликда ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

2-боб. Асосий тушунчалар

4. Ушбу Низомда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

GPA (Grade Point Average) — таълим олувчининг дастур бўйича ўзлаштирган баллари ўртача қиймати бўлиб, у қўйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$K_1 \cdot U_1 + K_2 \cdot U_2 + K_3 \cdot U_3 + \dots + K_n \cdot U_n$$

$$GPA = \frac{K_1 \cdot U_1 + K_2 \cdot U_2 + K_3 \cdot U_3 + \dots + K_n \cdot U_n}{K_1 + K_2 + K_3 + \dots + K_n}, \quad \text{бунда:}$$

К — ҳар бир фан/модулга ажратилган кредитлар миқдори;

У — ҳар бир фан/модуль бўйича талаба тўплаган баҳо;

академик мобиллик — олий таълим муассасаси талабаларининг муайян вақт мобайнида республика ҳудудидаги ёки чет элдаги бошқа бир олий таълим муассасасига ўқиш мақсадида бориши;

мобиллик дастури — икки ёки ундан ортиқ олий таълим муассасаси ўртасида ўзаро таълим тўғрисидаги келишув асосида ташкил этилган академик мобиллик дастури;

кредит — таълим олиш натижаларига кўра талаба томонидан муайян фан бўйича ўзлаштирилган ўқув юкламасининг ўлчов бирлиги. Кредитлар қоидага мувофиқ бутун, каср сонларда ифодаланиши мумкин;

олий таълим муассасаси — белгиланган миқдордаги кредитларни тан олишни ҳисобга олган ҳолда таълим ва малака тўғрисидаги хужжат берувчи муассаса;

кредитларни бериш — малака ёки унинг алоҳида қисмларига қўйилган талабларга мувофиқ эришилган таълим олиш натижаларига кўра талаба ёки бошқа таълим олувчиларга кредитларни расмий тақдим этиш жараёни;

кредитларни қўчириш — талабаларнинг академик мобиллигини таъминлаш мақсадида бир олий таълим муассасаси таълим дастури бўйича олинган кредитларни бошқа олий таълим муассасасига қўчириш ва тан олиш;

кредит тўплаш — таълим элементларини ўзлаштириш ва бошқа ютуқларга эришиш натижасида тақдим этиладиган кредит бирликларини тўплаш;

талабанинг шахсий таълим траекторияси — талаба томонидан танланган ҳамда унга кетма-кетлиқда билимлар тўплаш ва хоҳлаган компетенциялар йиғиндисига эга бўлиш имкониятини берадиган йўналиш (маршрут). Таълим траекторияси институционал хужжатлар ва йўриқномалар ёрдамида тузилиши ҳамда турли таълим траекториялари натижада бир хил малака олишга келиши мумкин;

таълим дастури — бакалавриат таълим йўналиши ёки магистратура мутахассислиги бўйича ўқув жараёнини амалга оширишга мўлжалланган таълимнинг асосий хусусиятлари (ҳажми, мазмуни, режалаштирилган натижалар), ташкилий-педагогик шарт-шароитлар, фан дастурларига қўйилган умумий талаблар, шунингдек, таълимни ташкил этиш ва амалга ошириш учун зарур бўлган ахборот-ресурс ва ўқув-методик қўрсатмалар мажмуи;

таълим дастури каталоги — олий таълим муассасаси тавсифи, кредит-модуль тизимида кириш, мавжуд бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари, хизматлар ва ресурслар, ўқув фанлари дастурлари, аниқ таълим дастурлари элементлари тавсифи тўғрисидаги ахборот;

таълим натижалари — талаба томонидан ўзлаштирилган ва баҳо билан тасдиқланган малака даражасини акс эттирадиган, таълим жараёнини муваффақиятли тугаллагач талаба ўзлаштирган кўникмалар ва уларни амалда бажариш қобилиятининг тавсифи;

ўқиши юкламаси — талаба томонидан ўқув фаолиятининг барча турлари — маъруза, амалий машғулот, семинар, лаборатория иши, курс лойиҳаси (иши), амалиёт ва мустақил ишни амалга ошириш асосида кутилган ўқув натижаларига эришиш учун зарур бўлган соатлар ҳажми;

рўйхатга олиш хизмати — таълим жараёнини бошқариш ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотлардан фойдаланиб профессор-ўқитувчилар, ходимлар ва талабалар бўйича таълим жараёнига оид маълумотлар базасини шакллантиришни, шунингдек, талабаларнинг барча ўқув натижаларини рўйхатга олиш, билимини назорат қилиш ҳамда уларнинг академик рейтингини ҳисоблашнинг барча турларини ташкил этишни назарда тутувчи хизматлар;

таълим элементлари — таълим дастурининг бир қисми бўлиб, таълим олиш натижаларига эришиш ва таълим дастурида қўрсатилган билимларни ўзлаштиришга кўмаклашувчи ўқитиш тури;

транскрипт — таълим олишнинг тегишли даврида ўзлаштирилган кредитлар ва баҳоларнинг ҳарф ва рақамлардаги ифодаси қўрсатиб ўтилган фанлар рўйхатини ўз ичига олган белгиланган шаклда

3-боб. Таълим дастури тузилмаси

5. Ўқув йили учун таълим дастури тузилмаси бир ёки бир нечта модуллардан иборат таълим элементларидан ташкил топган бўлиб, олий таълим муассасаси кенгаши томонидан тасдиқланади. Таълим дастури аудитория машғулотлари, илмий лойиҳалар, мустақил таълим, ишлаб чиқариш амалиёти ва бошқа таълим элементларидан иборат бўлиши мумкин.

6. Таълим дастури тузилмаси унинг ҳар бир таълим элементига мос келадиган таълим олиш натижалари (камид 6 та кўрсаткич)ни кўрсатган ҳолда бир академик ўқув йилига 60 кредит мос келишини ҳисобга олиб ишлаб чиқилади. Таълим дастурида кредитларнинг миқдори ўқув юкламаси асосида кўрсатилади.

7. Талабаларнинг таълим дастурини муваффакиятли ўзлаштириши ҳамда талаб қилинган малакага эга бўлиши учун талаблар аниқ белгиланади. Ўзлаштириш қоидалари танланган таълим дастури бўйича ўқитишнинг турли босқичлари учун белгиланган кредитлар миқдорида ёки кредитлар оралиғида ифодаланиши мумкин.

8. Таълим дастурининг талабалар томонидан муваффакиятли бажарилишига ёрдам бериш учун олий таълим муассасасининг тегишли бўлинмалари ва ходимлари, шу жумладан, таълимнинг кредит тизимини бошқаришга масъул бошқарма ёки бўлими, гурӯх мураббийи томонидан маслаҳат ва тушунтиришлар бериб борилади. Маслаҳат доирасида талабаларга таълим олиш натижасида эришган ютуқлар ва тажрибани тан олиш имкониятлари тушунтирилади.

9. Олий таълим муассасаси таълим дастури каталоги ва ўқитиш шароитлари тўғрисидаги батафсил маълумотлар ҳамда долзарб ахборотни олий таълим муассасаси веб-саҳифасига қулай юкландиган форматда ўқув йили бошланишидан камид 60 ой олдин жойлаштириши ва эълон қилиб бориши шарт.

10. Таълим дастури ва унинг элементларини амалга оширишга масъул ўқитувчилар таълим дастурида кўрсатилган ўқитиш натижалари билан дарс бериш ва баҳолаш жараёни ўртасидаги мувофиқликни таъминлашлари лозим. Ўқитиш натижалари, дарс бериш ва баҳолаш жараёни ўртасидаги ушбу конструктив боғлиқлик таълим дастурларига қўйиладиган мухим талаб ҳисобланади.

Таълим элементларининг амалга оширилишига масъул профессор-ўқитувчилар таълим дастурида кўрсатилган натижалар билан таълим бериш ҳамда баҳолаш жараёнлари ўртасидаги мутаносибликни таъминлаши лозим.

4-боб. Ўқув жараёнини режалаштириш, мониторинг олиб бориш ва таълим сифатини таъминлаш

11. Ўқув жараёни ўқув ва назорат тадбирлари мажмуини ўз ичига олади. Ўқув тадбирларида барча турдаги аудитория машғулотлари, амалиёт ва мустақил ишларнинг ташкил этилиши назарда тутилади. Назорат тадбирлари таълим олувчиларнинг ўқув режасидаги тегишли фанлар бўйича билимларни ўзлаштиришини ва уларнинг натижаларини баҳолашни назарда тутади.

12. Ўқув жараёни талабалар, иш берувчилар, ўқитувчилар ва маъмурият ўртасида очиқ мулоқот шаклида талабага йўналтирилган ёндашув асосида таълим стандартларини инобатга олган ҳолда режалаштирилади. Ушбу жараёнда иш берувчилар ва талабаларнинг талаб ва истаклари мухокама қилинади. Барча манфаатдор томонлар таълим дастурининг яратилиши ва ўзлаштирилиши бўйича ўтказиладиган мухокамага жалб этилиши мумкин. Бундай баҳсларда талабалар вакиллари овоз бериш хукуқи орқали иштирок этишлари мумкин.

13. Ўқув жараёнини режалаштириш қўйидаги босқичлардан иборат бўлади:

намунавий ўқув режаси ва фанлар каталогини илғор хорижий таълим тажрибаси асосида республика иқтисодиёти тармоқларида амалга оширилаётган ислохотлар, кадрлар истеъмолчилиари талаблари ва миллий қадриятларни эътиборга олган ҳолда ишлаб чиқиш ҳамда қўшимча равишда танлов фанлар каталогини шакллантириш, маҳаллий ва хорижий янги авлод адабиётларига таянган ҳолда фанлар каталоги бўйича намунавий фан дастурларини ишлаб чиқиш;

фанларнинг ишчи дастурини (силлабусни) ишлаб чиқиш;

ўкув режаси ва танлов фанлари рўйхатига мос равишда гурух мураббий ёрдамида ўқув-методик бўлим (бошқарма) ва факультет декани назорати остида ҳар бир талабанинг шахсий таълим траекториясини шакллантириш;

ишчи ўқув режаларини тузиш;

ўқув жараёни жадвалини тузиш;

академик гурухлар бўйича ўқув машғулотлари жадвалини тузиш.

14. Семестр давомида талаба томонидан тўпланиши лозим бўлган кредитлар миқдори ўқув режасида кўрсатилган мажбурий ва танлов фанларини ўз ичига олади. Мажбурий фанлар таркиби ва уларни ўрганишга ажратиладиган кредитлар миқдори таянч олий таълим муассасаси томонидан белгиланади. Танлов фанлари таркиби ва уларни ўрганишга ажратиладиган кредитлар миқдори олий таълим муассасаси томонидан мустақил белгиланади. Талабалар шахсий таълим траекториясида белгиланган танлов фанлари доирасида фанларни мустақил танлаши мумкин.

15. Ўқув йили давомийлиги 36 ҳафтагача бўлиб, шундан 30 ҳафтаси академик даврга, 2 ҳафтаси фанларни танлаш учун рўйхатдан ўтишга, 4 ҳафтаси аттестацияларга ажратилади. Ўқув йили давомийлиги ўқув жараёни жадвалига мувофиқ олий таълим муассасаси кенгашининг қарори билан ўзгача тартибда белгиланиши мумкин.

Кредит-модуль тизимида 1 кредит ўртacha 25 — 30 академик соатлик ўқув юкламасига тенг. Яъни талаба муайян фандан тегишли кредитларни тўплаши учун маълум миқдордаги ўқув юкламасини ўзлаштириши зарур. Ўқув юкламаси бакалавриатда — 40 — 50% аудитория соати, 50 — 60% мустақил иш соатига, магистратурада — 30% — 40% аудитория соати, 60-70% мустақил иш соатига (малакавий амалиёт ва битирув малакавий ишлари бундан мустасно) бўлинади. Кредитнинг соатлардаги миқдори ва ўқув юкламаси миқдори олий таълим муассасаси кенгаши томонидан белгиланади ва олий таълим муассасаси веб-саҳифасида шаффоф тарзда жойлаштирилади.

Бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларида талаба одатда бир семестрда 30 кредит, бир ўқув йилида 60 кредит тўплаши белгиланади. Семестр давомида талаба томонидан ўзлаштирилиши лозим бўлган кредитлар ҳажми ўқув режасида кўрсатилган мажбурий ва танлов фанларини ўз ичига олади. Талаба ўзининг шахсий таълим траекториясини шакллантиришда ҳар бир семестр учун 30 кредит ҳажмидаги фанларни ўзлаштиришни назарда тутиши, улар таркибида намунавий ўқув режасидаги мажбурий фанлар бўлиши шарт.

Талаба бакалавриатда ўқиш муддати камида 3 йил бўлганда 180 кредит, ўқиш муддати камида 4 йил бўлганда 240 кредит тўплаши зарур. Магистратурада ўқиш муддати камида 1 йил бўлганда 60 кредит, ўқиш муддати камида 2 йил бўлганда 120 кредит тўплаши талаб этилади.

16. Ўқув жараёнининг мониторинги таълим олишнинг белгиланган натижаларига эришиш, номинал меҳнат ҳажми ҳамда уларнинг ҳаққонийлиги ва мослигини баҳолаш мақсадида ўтказилади.

17. Таълим сифати самарадорлигини таъминлаш олий таълим муассасаси томонидан амалга ошириладиган бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари таълим дастурининг ваколатли ташкилотлар тавсифномалари ва талабларига мосликни таъминлаш жараёнларини ўз ичига олади.

Таълим сифатини ошириш ва профессор-ўқитувчилар ўртасида рақобатни шакллантириш мақсадида олий таълим муассасаси кенгаши қарорига асосан талабаларга фан доирасида профессор-ўқитувчиларни танлаш имконияти берилади. Бунда талабалар таълимни бошқариш ахборот тизими портали орқали ўқув семестри бошида 1 ҳафта муддат давомида ўзи танлаган профессор-ўқитувчининг машғулотида қатнашиш учун онлайн тарзда рўйхатдан ўтади.

18. Академик қарздор талабаларнинг ташаббуси билан мавжуд академик қарзларни топшириш мақсадида ёзги семестр олий таълим муассасаси томонидан одатда таътил вақтида пулли асосда ташкил этилади.

Ёзги семестрнинг давомийлиги академик тақвим асосида бакалавриат таълим йўналишлари, магистратура мутахассисликлари ва курслар бўйича белгиланади.

Ёзги семестр қуидаги регламент асосида ташкил қилинади:

талаба ёзги семестр бошлангунига қадар олий таълим муассасаси ўқув-методик бўлими (бошқармаси)га ўзининг ёзги семестрда ўқиши истагини билдиради;

олий таълим муассасаси ушбу талабаларга ёзги семестр учун дарс жадвалини тузади ва талаба тўлов пулинин тўлаганидан сўнг дарсларга киритилади;

ёзги семестр амалдаги баҳолаш тизими асосида талабалар билимини шаффоф баҳолаш тамойилига кўра ташкил қилинади.

Ёзги семестрга жалб қилинган профессор-ўқитувчиларга соатбай асосида иш ҳақи тўланади.

5-боб. Академик мобиллик ва кредитларни тан олиш

19. Академик мобилликни таъминлаш ва талабанинг кредитлари олий таълим муассасаси томонидан тан олинишида қуидаги ҳужжатлардан фойдаланилади:

фанлар каталоги;

белгиланган шаклдаги таълим тўғрисидаги келишув, маълумотнома ва сертификат.

Мазкур ҳужжатлар таълим олиш натижаларини акс эттиради ва олий таълим муассасасига кредитларни тан олиш ва кўчириб ўтказиш учун асос ҳисобланади.

20. Талаба томонидан олий таълим муассасаси таълим дастури бўйича тўпланган кредитлар миқдори бошқа олий таълим муассасасида белгиланган таълим олиш натижаларига мувофиқ ўзлаштириладиган кредитлар миқдорига тенг ҳисобланади.

21. Талаба жўнатувчи олий таълим муассасаси тавсиясига асосан қабул қилувчи олий таълим муассасасига академик мобилликни амалга ошириш учун зарур ҳужжатларни топширади. Жўнатувчи олий таълим муассасаси томонидан талабага белгиланган шаклдаги транскрипт тақдим этилади.

22. Талабанинг академик мобиллик даврида ўзлаштирилиши белгиланган таълим элементларини жўнатувчи олий таълим муассасасининг розилигисиз ва у билан келишмасдан ўзгартириш мумкин эмас. Хориждаги ҳамкор олий таълим муассасалари, марказлар ва ташкилотларнинг таълим дастурларида белгиланган таълим олиш натижалари жўнатувчи олий таълим муассасасининг таълим дастури бўйича таълим олиш натижаларига мос келиши ёки уларни тўлдириши лозим. Мобиллик вақтида академик йил кўрсаткичлари таҳлил қилинади ва ушбу Низомга асосан кредитлар тан олиниши белгиланади.

23. Қабул қилувчи олий таълим муассасасида талаба томонидан ўзлаштириладиган ўқув элементларининг тўплами ва улар олий таълим муассасасининг таълим дастурига интеграция қилинганилиги таълим тўғрисидаги келишувда аниқ кўрсатилган бўлиши лозим. Қабул қилувчи олий таълим муассасасида ўзлаштириладиган кредитлар миқдори хорижда ўқиш даврига (3 — 6 ой ёки 1 — 3 йил) мутаносиб бўлиши керак. Жўнатувчи олий таълим муассасаси томонидан мобиллик даврида талабанинг ўзлаштирган (тўлиқ ёки қисман) кредитлари тан олиниади. Талаба жўнатувчи олий таълим муассасасига қайтиб келгач, мобиллик даврида тўпланган кредитлар миқдоридан келиб чиқсан ҳолда амалдаги тартиб-коидалар асосида уни кейинги курсга ўтказиш ёки курсда қолдириш белгиланади.

24. Олий таълим муассасаси академик мобиллик дастури бўйича режалаштирилган таълим элементларини ўзлаштириш учун талабани белгиланган шакл асосида рўйхатдан ўтказади ва мобиллик даврида ушбу элементларни ўзлаштириш имкониятлари таъминланиши мажбуриятини олади.

25. Ҳамкор университетлар, марказлар ва ташкилотлар билан биргаликда ишлаб чиқилган таълим дастурлари доирасида академик мобиллик учун таълим тўғрисидаги келишувларни тузиш зарур ҳисобланмайди.

26. Таълим тўғрисидаги келишувга мувофиқ академик мобиллик даврида талабанинг билим даражасини аниқловчи кўрсаткичлар олий таълим муассасаларининг баҳолаш тизимини бошқа баҳолаш тизимларига конвертация қилиш жадвали асосида қабул қилинади.

27. Стажировкани ўташ бўйича келишув талаба, олий таълим муассасаси ва қабул қилувчи ташкилот томонидан уч томонлама имзоланади.

28. Стажировка давомида талаба томонидан ўзлаштирилган билимларнинг ошкоралигини таъминлаш ва уларни тасдиқлаш мақсадида қабул қилувчи муассаса томонидан стажировкани ўтаганлик тўғрисида сертификат берилади.

6-боб. Баҳолаш, баҳоларни конвертация қилиши

29. Талабалар таълим дастури доирасида ўқитиш шаклидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан белгиланган баҳолаш мезонлари асосида баҳоланади.

30. Фан дастурида (силлабусда) белгиланган баҳолаш тартиби ҳамда ижобий баҳолар доирасида баҳоланган талабаларга кредитлар берилади. Талаба белгиланган таълим олиш натижаларига эриша олмаган тақдирда, кредитлар берилмайди.

31. Баҳолаш усуллари фан ёки модуль доирасидаги талабанинг ютуқларини акс эттирувчи ва тасдиқловчи ёзма, оғзаки, амалий иш, лойиҳа, портфолио ва назоратлар каби турларни ўз ичига қамраб олади. Баҳолаш мезони таълим олиш натижасига эришилганлигини акс эттириши шарт.

32. Кредитларни кўчириш олий таълим муассасасида баҳолаш тизимини бошқа баҳолаш тизимларига конвертация қилиш жадвалини бошқа олий таълим муассасасида тузилган шунга ўхшаш жадвал билан солишириш асосида амалга оширилади.

7-боб. Кредит-модуль тизимида рўйхатга олиш хизматини ташкил этиш

33. Рўйхатга олиш хизматлари таълим ва талабалар билимини баҳолаш жараёнларини алоҳида юритиш, талабалар ҳақидаги академик маълумотларни электрон тарзда автоматик бошқариш ҳамда якуний назоратларни ўтказиш мақсадида ташкил этилади.

34. Рўйхатга олиш хизмати талабага танлаган мутахассислиги бўйича юқори даражадаги билим, кўнкима ва малакаларга эришишда ёрдам беришга қаратилган бўлиб, қўйидаги функцияларни қамраб олади:

ўқув жараёни жадвалини тузиш ва у ўз вақтида бажарилишини назорат қилиш;

талабаларнинг фанларга рўйхатдан ўтишини назорат қилиш;

академик гуруҳларни шакллантириш;

оралиқ, якуний баҳолашлар ва якуний давлат аттестациясини ўтказилишини назорат қилиш;

маълумотлар базасини шакллантириш ва мунтазам янгилаб бориш;

таълим олаётган талабаларнинг маълумотларини архивга қадар сақлаш;

транскрипт формаларини шакллантириш ва талабаларнинг маълумотларини киритиш;

талабалар контингенти бўйича статистикани юритиш.

35. Рўйхатга олиш хизматлари ўқув-методик бўлим (бошқарма) таркибида олиб борилади. Олий таълим муассасаларида бюджет маблағлари доирасида ёки уларнинг молиявий имкониятларидан келиб чиқсан холда бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан таълимнинг кредит тизимини бошқариш бўлими ташкил этилиши мумкин.

36. Рўйхатга олиш хизмати белгиланган жадвалга мувофиқ талабаларни фанларга рўйхатдан ўтказади ва талабанинг шахсий таълим траекториясини шакллантиради. Талабанинг шахсий таълим траекторияси улар томонидан мустақил равишда гуруҳ мураббийи ёрдамида намунавий ўқув режаси ва танлов фанлари каталоги асосида умумий ўқиш даври учун тузилади. Шахсий таълим траекториясига ҳар ўқув йилидан олдин ўзгартириш ёки қўшимчалар киритилиши мумкин.

37. Талабаларнинг шахсий таълим траекторияси асосида рўйхатга олиш хизмати академик гуруҳларни шакллантиради ва бирон-бир фанга ёзилиш етарли бўлмаган тақдирда, шахсий таълим траекториясини ўзгартириш зарурлиги тўғрисида талабаларга хабар беради. Талабанинг шахсий таълим траекторияси шакллантириб бўлингандан сўнг рўйхатга олиш хизмати дарс жадвалини тузиш учун олий таълим муассасаси ўқув-методик бўлими (бошқармаси)га академик гуруҳлар тўғрисида маълумот беради.

38. Рўйхатга олиш хизмати ҳар бир талабани рўйхатдан ўтказиш санаси ва вақтини белгилайди (одатда, талаба томонидан етарли GPA кўрсаткичларини тўплаганлиги ва контракт тўловлари амалга оширилганлигига қараб). Биринчи курс талабаларини рўйхатдан

ўтказиш улар билан академик ва касбга йўналтириш тадбирлари амалга оширилганидан кейин бошланади.

39. Талабалар танлаган фанларини ҳар семестринг дастлабки биринчи ҳафтаси ичida ўзгартириши мумкин.

40. Биринчи курс талабаларини рўйхатга олиш жараёни қўйидаги тартибда амалга оширилади:

гуруҳ мураббийи рўйхатга олиш хизматидан бириктирилган гуруҳ талабаларининг логин ва паролларини олади, талабага таълим жараёнини тушунтиради, таълим дастури билан таништиради, логин ва пароль беради ҳамда талаба порталидан фойдаланишни ўргатади;

талаба профессор-ўқитувчилар томонидан ўтказиладиган фанлар бўйича таништирув тақдимотларига қатнашади, мажбурий ва танлов фанлари билан танишади ва фанларга таълимни бошқариш тизимидағи талаба портали орқали рўйхатдан ўтади;

талаба таълимни бошқариш тизимидағи портали орқали дарс жадвалини аниқлайди ва дарсларга қатнашади.

8-боб. Талабаларни ўқишдан четлаштириш, қайта тиклаш, курсдан курсга ўтказиш механизлари

41. Бир фанга ажратилган аудитория соатининг 25 фоизини ва ундан ортиқ соатни сабабсиз қолдирган талаба ушбу фандан четлаштирилиб, якуний назоратга киритилмайди ҳамда мазкур фан бўйича тегишли кредитларни ўзлаштирмаган ҳисобланади. Якуний назорат турига киритилмаган ёки кирмаган, шунингдек, ушбу назорат тури бўйича қониқарсиз баҳо олган талаба академик қарздор ҳисобланади.

Академик қарздор талабалар таътил вақтида ёки кейинги семестрлар мобайнида тегишли фанлардан ўзлаштирилмаган кредитлар миқдорига мос равишда базавий тўлов-контракт миқдоридан келиб чиқкан ҳолда тўловни амалга оширгандан сўнг ўзлаштирилмаган фанларни ўз ҳисобидан қайта ўқиши хуқуқига эга бўлади.

42. Таълим олувчини курсдан курсга ўтказиш унинг GPA қийматини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. ОТМ талабаларни курсдан курсга ўтказишида GPA кўрсаткичини мустақил белгилаш хуқуқига эга. Бунда GPA кўрсаткичи 2,4 — 3,0 оралиғида бўлиши талаб этилади. GPA ўтиш баллни тўплай олмаган талаба қайта ўқиши учун тегишли курсда қолдирилади. Семестр ва ўкув йили якуни натижалари бўйича академик қарздорлиги бор таълим олувчилар ўқишдан четлаштирилмайди. Курсдан курсга қолган талабалар факат қарздор бўлган фанларни ўзлаштириб уларга мос равишда шартнома маблағларини тўлайди. Шартнома асосида бир курсда қайта ўқиши сони чегараланмайди. Жами таълим олиш муддати бакалавриат учун 1 курсга ўқишига қабул қилинганидан сўнг 8 йилгача, магистратура учун 1 курсга ўқишига қабул қилинганидан сўнг 4 йилгача деб белгиланади.

43. Таълим олувчи Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари асосида ўқишини қайта тиклаш ва кўчириш хуқуқига эга. Таълим олувчи томонидан четлаштирилгунга қадар ўзлаштирган кредитлар миқдори олий таълим муассасаси томонидан тўлиқ ҳажмда ҳисобга олинади.

9-боб. Якуновчи қоидалар

44. Олий таълим муассасасида таълим олишнинг тўлов қиймати Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

45. Фанлар бўйича қайта таълим олиш учун тўлов қиймати олий таълим муассасаси томонидан бутун ўкув йилининг контракт суммасидан келиб чиқкан ҳолда белгиланади. Қайта таълим олиш учун тўлов механизми олий таълим муассасаси томонидан бир кредит қийматини ҳисоблаш асосида белгиланади. Бир кредит қиймати ўкув йили давомидаги таълим олиш учун тўланадиган базавий тўлов-контракт миқдорини режалаштирилган кредитлар миқдорига бўлиш йўли билан аниқланади.

46. Талаба олий таълим муассасаси таълим дастурини муваффақиятли ўзлаштирган тақдирда, унга академик даражасини тасдиқлайдиган диплом берилади.

Олий таълим муассасаларида ўкув жараёнинг кредит-модуль тизимини жорий этиш тўғрисидаги
НИЗОМГА
ИЛОВА

**Олий таълим муассасаларида ўкув жараёнинг кредит-модуль тизимини босқичма-
босқич жорий этиш**

СХЕМАСИ

Босқичлар	Тадбирлар	Ижро учун масъуллар	Бажариш муддатлари
1-босқич	<p>Таълим дастури доирасида ўкув жараёнини ташкил этиш учун куйидагиларни амалга ошириш:</p> <ol style="list-style-type: none">1. Ўкув режаси ва фан дастурларини жаҳон стандартларига мослаштириш ва тасдиқлаш;2. Хар бир фанга кредитларни тақсимлаш;3. Фанлар каталогини шакллантириш ва эълон қилиш.	Олий таълим муассасаси	Ўкув йили бошлангунга қадар
2-босқич	Таълимнинг кредит тизими бўйича талабаларни (бакалавр ва магистратурага) белгиланган тартибда 1 курсга қабул қилиш.	Олий таълим муассасаси	Ўкув йили бошлангунга қадар
3-босқич	Талаба томонидан танланган ҳамда унга кетма-кетликда билимлар тўплаш ва хоҳлаган компетенциялар йиғиндисига эга бўлиш имкониятини бериш учун Талабанинг шахсий таълим траекториясини белгилаш	Олий таълим муассасаси	2020/2021 ўкув йилидан бошлаб хар бир ўкув йили бошлангунга қадар
4-босқич	<p>Мобилликни ташкил этиш учун куйидагиларни амалга ошириш:</p> <ol style="list-style-type: none">1. Профессор-ўқитувчилар таркибининг мобиллиги бўйича ҳамкор ташкилотлар билан келишувлар тузиш;2. Магистратура талабаларининг таълим траекториясида мобиллик ойнасини ташкил этиш;3. Бакалавриат талабаларининг мобиллик дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.	Олий таълим муассасаси, тегишли вазирликлар ва идоралар	2020/2021 ўкув йилидан бошлаб доимо
5-босқич	Таълим сифатини таъминлаш учун куйидагиларни амалга ошириш: <ol style="list-style-type: none">1. Таълимнинг кредит-модуль тизимини аккредитациядан ўтказиш бўйича ваколатли ташкилотлар билан битим тузиш;	Олий таълим муассасаси, тегишли вазирликлар ва идоралар	2021/2022 ўкув йилидан бошлаб доимо

	2. Таълимнинг кредит тизимларини аккредитациядан ўтказиш.	
6-босқич	Таълим бериш натижасини тасдиқлаш мақсадида халқаро тан олинадиган олий маълумот тўғрисидаги диплом бериш.	Олий таълим муассасаси 2022 йилдан бошлаб таълим дастури якунида

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги 824-сон қарорига
2-ИЛОВА

Вазирлар Маҳкамасининг «Олий таълим муассасаларини босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш тўғрисида» 2019 йил 3 декабрдаги 967-сон қарорига киритилаётган

ҚЎШИМЧАЛАР

1. **4-бандга** қуидаги таҳрирдаги хатбоши қўшилсин:

«кенгаш қарори билан олий таълим муассасасининг ташкилий тузилмасига қўшимча янги лавозим, таркибий бўлинмалар ва штат бирликларини жорий этиш».

2. **8-бандга** қуидаги таҳрирдаги хатбошилар қўшилсин:

«ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказилган олий таълим муассасалари асосий воситалар ва товар-моддий бойликларни (бино ва иншоотлар ҳамда ўқув-илмий лаборатория жиҳозлари бундан мустасно) сотишдан тушган маблағларни тўлиғича ўзларининг ривожлантириш жамғармаси бўйича шахсий ғазна ҳисобварафида жамлайди ва сарфлайди;

ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказилган олий таълим муассасалари ривожлантириш жамғармасига тушган барча маблағлардан моддий-техника базани мустаҳкамлашга, ўз ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий рағбатлантиришга, фаолиятни самарали ташкил этиш билан боғлиқ бошқа тадбирларга сарфлаш улушини мустақил белгилайди;

ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказилган олий таълим муассасалари ўқув жараёнига жалб этилган хорижий юқори малакали ўқитувчи ва мутахассислар меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорларини бозор конъюнктурасидан келиб чиқиб белгилайди (қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорлардан кам бўлмаган миқдорда);

2021 йил 1 январдан бошлаб ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказилган олий таълим муассасалари кўчмас мулкини ижарага беришдан тушган маблағнинг 1 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг ҳудудий бўлинмалари ҳузуридаги давлат мулки ижара марказларига, қолган қисми эса — электрон савдо майдончаси операторига тўланган тўлов чегирилгандан кейин мазкур олий таълим муассасасининг ривожлантириш жамғармасига йўналтирилади;

ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказилган олий таълим муассасалари юридик шахс мақомига эга бўлган бюджет маблағларини олувчи давлат ташкилоти ҳисобланади».

(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.12.2020 й., 09/20/824/1689-сон)